

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ



МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

100047, город Ташкент, улица Сайилгоҳ, 5
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

2019 йил "21" февраль 6-21/3-6/3264-сон

Сизнинг 2019 йил 21 февралдаги
01/15-591-сон хатингизга

Ўзбекистон Республикаси
Саноат хавфсизлиги
давлат қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Кон-руда, норуда ва кўмир саноати конлари ва шахталарда ер ости лифт қурилмаларидан хавфсиз фойдаланиш бўйича йўриқномани кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 2¹-бандига мувофиқ тақдим этилган ҳужжат техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга тегишли деб топилди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда норматив-ҳуқуқий кўрсатмалар мавжуд бўлиши тақиқланади.

Вазир ўринбосари

Х. Мелиев



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

**Кон-руда, норуда ва кўмир саноати конлари ва шахталарида ер ости лифт
қурилмаларидан хавфсиз фойдаланиш бўйича Йўриқномани
тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июлдаги 538-сон “Ўз кучини йўқотаётган умуммажбурий идоравий ҳужжатларнинг ўрнига янги норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Кон-руда, норуда ва кўмир саноати конлари ва шахталарида ер ости лифт қурилмаларидан хавфсиз фойдаланиш бўйича Йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилиб, норматив техник ҳужжат сифатида эътироф этилган кундан бошлаб кучга киритилсин ва кўпайтирилсин.

Раис в.б.

Тошкент ш.,
2019 йил 20 февраль
09/ЮБ-14-сон



Б.Гулямов

Ўзбекистон Республикаси
Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси
раиси в.б. 2019 йил “20” февралдаги
09/ЮБ-14- сон қарорига
ИЛОВА

**Кон-руда, норуда ва кўмир саноати конлари ва шахталарида
ер ости лифт қурилмаларидан хавфсиз фойдаланиш бўйича
Йўриқнома**

Мазкур Йўриқнома, Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги тўғрисида» ги Қонунга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006й. 39-сон, 386-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5594-сон “Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июлдаги 538-сон “Ўз кучини йўқотаётган, умуммажбурий идоравий ҳужжатларнинг ўрнига янги норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, ер ости лифт қурилмаларидан фойдаланишда хавфсизлик талабларини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Барча ер ости лифт қурилмалари ихтисослашган ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган, тасдиқланган лойиҳа бўйича қурилиши ва “Лифтларнинг тузилиши ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари”, “Руда, норуда ва сочма ҳолдаги конларни ер ости усули билан қазиб олишда хавфсизликнинг ягона қоидалари” ва мазкур Йўриқнома талабларига жавоб бериши керак.

20 Конлар ва шахталарнинг ер ости қазилмаларида одам ва юкларни ташишда ер ости лифт қурилмаларидан фойдаланишга рухсат этилади. Ер ости лифт қурилмалари атроф муҳитдан фойдаланиш шароитлари (намлик, портлаш хавфи, агрессивлик) га мувофиқ бўлиши керак. Кон (шахта) диспетчери ва машина бўлинмаси билан алоқада бўлиш учун ер ости лифт қурилмалари кабинасида телефон ёки бошқа икки томонлама алоқа воситаси ўрнатилган бўлиши, юк ташиладиган ер ости лифт қурилмаларидан фойдаланганда юкни қабул қилиш майдончалари билан алоқада бўлиш керак.

Ер ости лифт қурилмалари, электр ускуналарнинг фойдаланиш шароитларига мос равишда ишлаб чиқилган бўлиши керак.

3. Ер ости лифт қурилмалари Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси) дан рўйхатдан ўтказилмайди.

4. Қурилиш ва монтаж ишлари тугагандан кейин ер ости лифт қурилмаларини созлаш ишлари бажарилиши, статик ва динамик синовлар ўтказилиши керак. Ижобий

синов натижалари олинганда ер ости лифт қурилмасининг техник тайёрлиги тўғрисида далолатнома тузилади. Буюртмачига далолатнома билан бирга қуйидагилар топширилади:

химоя ва блокировка қурилмаларини текшириш баённомаси;

пўлат арқонларнинг сифатини синаш баённомаси (синов муддати кўрсатилган ҳолда);

ерга улаш қурилмаларини синаш баённомаси;

кучли ток ускуналари изоляциясини текшириш баённомаси;

ер ости лифт қурилмасининг электр таъминоти ва узатма бошқарувининг тузатилган принципиал схемаси;

ер ости лифт қурилмасининг техник ва фойдаланиш ҳужжатлари;

ҳали аниқланмаган ишлар далолатномалари.

Ер ости лифт қурилмаларини қуриш, монтаж қилиш ва созлаш ишлари ўз кучлари билан бажарилганда, комиссия учун барча зарур ҳужжатлар лифт эгаси томонидан тайёрланади.

Ер ости лифт қурилмалари эгаси, ер ости лифт қурилмаларини фойдаланишга қабул қилиш комиссиясини ташкил этиши керак.

Комиссия таркибига қуйидагилар киритилиши керак:

ер ости лифт қурилмалари эгаси бўлган корхона маъмурияти вакили - комиссия раиси;

қурилиш, монтаж қилиш ва созлаш ташкилоти вакиллари;

ер ости лифт қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш учун масъул шахс;

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси вакили.

Ер ости лифт қурилмалари эгаси қабул қилиш комиссиясига қуйидагиларни тақдим этиши керак:

4-банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган ҳужжатларни;

ер ости лифт қурилмаларининг фойдаланиш-техник ҳужжатлари;

ер ости лифт қурилмаларининг соз ҳолати, унга техник хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш ишларини ташкил этиш;

ер ости лифт қурилмаларидан фойдаланиш хавфсизлиги бўйича масъул шахсларни тайинлаш тўғрисида буйруқ.

Ер ости лифт қурилмаларини фойдаланишга қабул қилиш комиссияси уни текширади, техник кўрикдан ўтказади ва уни қабул қилиш далолатномасини тузади. Ер ости лифт қурилмасини нормал ишлашига тўсқинлик қиладиган нуқсонлар аниқланганда, комиссия бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда ҳужжат тайёрлайди ва уни лифт эгасига топширади.

Ер ости лифт қурилмасининг техник тайёрлиги ва уни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномалар асосида Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва кон-техник инспекциялари ер ости лифт қурилмасини фойдаланишга киритиш учун рухсат беради, бу ҳақида ер ости лифт қурилмасининг паспортида қайд этилади.

5. Ер ости лифт қурилмаларининг кабиналарида бир вақтда одам ва юк ташиш

таъқиқланади. Ғилдиракли скатлардаги вагонетка (платформа) ларни рельсли излар билан жиҳозланмаган ер ости лифт қурилмаси кабиналарида кўтариш ва тушириш таъқиқланади. Рельсли излар билан жиҳозланган кабиналарда вагонеткалар учун стопор қурилмалари бўлиши керак. Стопорларнинг конструкцияси ва уларни ўрнатилиши ер ости лифт қурилмаларини ишлаб чиқарувчи завод томонидан кўзда тутилган бўлиши керак.

6. Кабиналарни ўрнатиш аниқлиги, чиқиш мосламаси бўлмаган рельсли излар билан жиҳозланган кабиналар учун +/- 15 мм, рельсли излар билан жиҳозланмаган кабиналар учун эса +/- 50 мм доирасида бўлиши керак. .

7. Вагон (платформа)лар ташиш учун мўлжалланган ер ости лифт қурилмаларининг горизонтларида ғилдиракли скатларда тутиб турувчи стопорлар ўрнатилиши керак. Стопорларни ўрнатишда горизонтда кабина бўлмаган пайтда уларнинг очилиб кетишига йўл қўймайдиган блокировка бажарилиши керак.

8. Лифталарда портловчи материалларни ташиш ишлари Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган “Портлатиш ишларида ягона хавфсизлик қоидалари” талабларига мувофиқ бажарилиши керак.

II. Ер ости лифт қурилмаларига бўлган хавфсизлик талаблари

9. Ер ости лифт қурилмалари стволи, лойиҳа ва “Руда, норуда ва сочма ҳолдаги конларни ер ости усули билан қазиб олишда хавфсизликнинг ягона қоидалари” ҳамда “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 25 майдаги 114-сон буйруғи билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда 2009 йил 19 июнда 6-15-226/15-сон билан техник ҳужжат деб топилган) “Кўмир шахталарида хавфсизлик қоидалари” га мувофиқ маҳкамланиши керак

10. Ствол (шахта) “Руда, норуда ва сочма ҳолдаги конларни ер ости усули билан қазиб олишда ягона хавфсизлик қоидалари” талабларига жавоб берадиган зина бўлинмасига эга бўлиши керак. Агар стволда мустақил электр энергияси билан таъминланган камида иккита ер ости лифт қурилмаси бўлса, зина бўлинмасининг бўлмаслиги мумкин.

11. Ер ости лифт қурилмаси кабинаси оловга чидамли материаллардан тайёрланган бўлиши керак. Кабина стволда тўхтаб қолганда одамларнинг чиқиши учун унинг томида туйнук, шунингдек нарвон бўлиши керак.

12. Барча горизонтларда лифт стволи қазилманинг бутун баландлиги бўйича металл тўсиқ билан жиҳозланган бўлиши керак.

Тўсиқ ячейкаларининг ўлчами кўпи билан 20x20 мм ва симларининг диаметри камида 1,2 мм бўлган симли тўр ёки қалинлиги камида 1,2 мм бўлган пўлат листдан тайёрланиши мумкин.

13. Сувли ер ости лифт қурилмалари стволларида сувни четга чиқарувчи қурилмаларга эга зумпфлар қурилиши, стволда сувни тутувчи ва четга чиқарувчи қурилмалар кўзда тутилиши лозим.

14. Кабина, посанги ва шахта элементлари ўртасидаги тирқишлар “Лифтларнинг тузилиши ва фойдаланиш хавфсизлиги қоидалари” талабларига мувофиқ бўлиши керак.

15. Машина бўлинмаси жойлашган горизонтга олиб борувчи вертикал ва қия

йўллар зина бўлинмаси, шунингдек ускунани кўтариш учун монтаж туйнуги билан жиҳозланиши керак.

Машина хонаси камерасининг баландлиги камида 2200 мм бўлиши керак. Ускуналарни монтаж қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун камида 0,8 м зарур ўтиш жойлари, камера деворлари томондан камида 0,5 м ли монтаж туйнуклари таъминланган бўлиши керак. Ер ости лифт қурилмасининг машина бўлинмасида юк кўтариш воситаларини осиб қўйиш учун қурилмалар кўзда тутилган бўлиши керак.

16. Кабина (посанги) нинг ортиқча кўтарилиш баландлиги унинг ҳаракатланиш тезлиги ва кабина (посанги) томида жойлашган хизмат кўрсатувчи ходимлар учун хавфсиз шароит таъминланишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳада белгиланиши керак.

Бунда ер ости лифт қурилмалари шахтасининг баландлиги бўш кабина (посанги) охириги ўчиргич ишлаши натижасида шахтанинг юқори қисмида тўхтагандан кейин кабина (посанги), шахтани кўздан кечираётган ходимларни нарсалар ва арматура элементлари тушишидан ҳимоялаш учун кабина устида ўрнатилган зонддан ҳисоблаганда, юқорига камида 200 мм масофада эркин ҳаракатлана олиш имкониятини таъминлайдиган даражада бўлиши керак.

17. Ствол маҳкамлаш иншоотлари, арматураси ва йўналтирувчи ўтказгичларининг ҳолати камида икки кишидан иборат махсус тайинланган шахслар томонидан ҳар суткада ва камида бир ойда бир марта кон (шахта) бош механиги томонидан кўздан кечирилиши керак. Кўздан кечириш натижалари махсус журналда қайд этилиши керак.

18. Ихтисослашган бригада бир йилда бир марта “Лифтларнинг назоратини амалга оширувчи электр механик учун намунавий йўриқнома”да ёки ишлаб чиқарувчи заводнинг фойдаланиш бўйича йўриқномасида кўзда тутилган ҳажмда ер ости лифт қурилмаларини тафтиш қилиш ва созлаш ишларини бажариши керак. Тафтиш ва созлаш ишларидан сўнг шахта бош механиги, кон бошқармаси (комбинат), созлаш бригадаси вакиллари ер ости лифт қурилмасининг назорат синовларини бажаради.

Назорат синовлари тўғрисида кон бошқармаси (комбинат) бош механиги томонидан тасдиқланадиган, белгиланган шаклдаги баённома тузилади. Синов натижалари қурилмадан фойдаланиш хавфсизлиги учун масъул шахс томонидан ер ости лифт қурилмаси паспортида қайд этилади.

Тафтиш ва созлаш ишларини ўтказилиш пайтида корхона маркшейдерлик хизмати томонидан ствол деворлари, йўналтирувчи ўтказгичлар ва арқонни юргизувчи шкивлар “Маркшейдерлик ишларини бажариш бўйича йўриқнома” талабларига мувофиқ профилланиши керак. Текшириш натижалари махсус журналда қайд этилади.

Тафтиш ва созлаш ишларидан 6 ой ўтгандан кейин, шунингдек элементлар (пўлат арқон, кабина, посанги, электр двигатель, лебёдка, тормоз ва хавфсизлик элементлари) алмаштирилганда ҳар қайси ер ости лифт қурилмаси шахта бош механиги ва кон бошқармаси вакиллари иштирокида техник кўриқдан ва синовдан ўтказилиши керак.

Техник кўрик ва синов ҳажми ер ости лифт қурилмаси эгаси томонидан ишлаб чиқилган тегишли “Кўтариш машиналарини техник кўриқдан ва синовдан ўтказиш бўйича йўриқнома” да белгиланиши керак.

Ўтказилган техник кўрик ва синов тўғрисида кон башқармасининг бош механиги томонидан тасдиқланадиган далолатнома тузилади.

19. Ер ости лифт қурилмалари, марказий ер ости ёки участка подстанциясининг тақсимлаш қурилмасидан алоҳида кабель орқали электр токи билан таъминланиши керак.

Ер ости лифт қурилмасининг машина бўлинмасида бевосита кириш жойида бутун қурилмани кучланишдан узиш учун, кириш ўчириш аппарати ўрнатилиши керак.

20. Тезлиги 0,3 м/сек дан юқори бўлган ер ости лифт қурилмаларини бошқариш учун, стволни текшириш вақтида кабина томида махсус пульт ўрнатилган бўлиши керак.

21. Бир суткада бир марта махсус тайинланган шахслар томонидан куйидагилар кўздан кечирилади ва текширилади:

а) кабина, шахта ва шахта эшиги олдидаги майдончаларда ёритиш мосламаларининг мавжудлиги ва етарлича ёритилиши;

б) шахта ва кабина тўсиқларининг ҳолати;

в) шахта эшиклари қулфларининг созлиги;

г) шахта ва кабина эшиклари контактларининг созлиги;

д) сурилувчан полнинг созлиги;

е) кабинанинг қаватларда тўхташ аниқлиги;

ж) “Тўхта” тугмачаси, “Банд” ёруғлик сигнали, товуш сигнализацияси, икки томонлама сўзлашув алоқаси ва диспетчерлик пултидаги сигналларнинг созлиги.

Кўздан кечириш ва текшириш натижалари, ер ости лифт қурилмаларини кўздан кечириш журналида мазкур Йўриқноманинг 1 иловасига мувофиқ қайд этилади.

III. Пўлат арқонларга бўлган хавфсизлик талаблари

22. Ер ости лифт қурилмалари учун, сифати ва конструкцияси бўйича талабга жавоб берадиган пўлат арқонлар ишлатилиши керак.

23. Ер ости лифт қурилмаларининг пўлат арқонлари симлари, сифати бўйича “В” маркали бўлиши керак. Одамларни кўтариш учун юк-одам кўтариш арқонлари ишлатилиши керак.

24. Осмага, ишлаб чиқарувчи завод сертификатига эга ва осидан олдин пўлат арқон-синаш станциясида синовдан ўтказилган пўлат арқонлар рухсат этилади. Пўлат арқон синаш станцияси томонидан берилган гувоҳнома арқоннинг бутун хизмат муддати давомида шахта (кон) бош механигида сақланиши керак.

Шахта ер ости лифт қурилмаларининг кабина ва посангилари учун мўлжалланган пўлат арқонлар 8 баробардан кам бўлмаган мустаҳкамлик заҳирасига эга бўлиши керак.

25. Толалари титилган, қаварган ёки ботган, уланган, шунингдек ишлаш жараёнида дастлабки диаметридан 10 фоиздан ортиқ ингичкалашган, тугунли, бўртган ва бошқа шикастлари бўлган пўлат арқонлардан фойдаланиш таъқиқланади.

26. Ҳар бир пўлат арқон бир суткада бир марта, махсус ажратилган шахс томонидан 0,3 м/сек. дан кўп бўлмаган ҳаракат тезлигида синчиклаб текширилиши керак. Бунда арқоннинг бутун узунлиги бўйича узилган симларнинг умумий сони аниқланади.

Бундан ташқари, шикастланган жойларда ўраманинг бир қадамидаги узилган

симлар сони ҳисобланади. Пўлат арқоннинг узилган симлар сони умумий симлар сонининг 2 фоизидан ортиқ бўлган участкаси (ўрама қадами) мазкур Йўриқноманинг 2 иловасига мувофиқ, кўтариш арқонларини кўздан кечириш ва сарфланиши журналида қайд этилади. Пўлат арқон кесимининг камайиши ва симларнинг узилиши бўйича Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси томонидан ўрнатилган тартибда ишлатиш рухсат этилган асбоблар ёрдамида, путур етказмайдиган усул билан даврий инструментал назорат ўтказилиши керак.

27. Агар кўздан кечиришда кўтариш пўлат арқонининг ўрама қадамига тенг бирор участкасида узилган симлар сони, симларнинг умумий сонининг 5 фоизини ташкил этса, пўлат арқон комплекти янгисига алмаштирилиши керак.

Турли диаметрли симлардан ташкил топган пўлат арқоннинг бир ўрама қадамидаги узилган симлар сони уларнинг кўндаланг кесими юзаси пўлат арқондаги барча симлар кесими юзасининг 5 фоизидан ошмаслиги ҳисобидан рухсат этилади.

28. Ер ости лифт қурилмалари арқонларининг ўртача хизмат муддати 2 йилни ташкил этади. Айрим ҳолларда пўлат арқонлар кесимининг камайиши ва симларнинг узилиши бўйича дефектоскоп ёрдамида текширилгандан кейин уларнинг хизмат муддати корхона бош механиги томонидан тасдиқланган махсус комиссиянинг қарори билан 1 йилга узайтирилиши мумкин, бунда пўлат арқоннинг хизмат муддати 4 йилдан ошмаслиги керак.

29. Фавқулодда тортилиш ҳолларида (кабинанинг ўтказгичларда қисилиб қолиши ёки бошқа сабабларга кўра) тушириш-кўтариш жараёни зудлик билан тўхтатилиши ва авариявий тўхтатишга олиб келган сабаблар бартараф этилгач ва корхона фойдаланиш хавфсизлиги бўйича масъул шахс томонидан ер ости лифт қурилмасининг барча элементлари кўздан кечирилгандан кейин давом эттирилиши мумкин. Текшириш натижалари ва ишларни давом эттириш учун рухсат махсус пўлат арқонларни кўздан кечириш журналида қайд этилади.

Агар текширишда пўлат арқонлардан биронтаси шикастланганлиги ёки 0,5 фоиздан ва ундан ортиқ узайганлиги (фавқулодда тортилиш содир бўлган бўлакда) аниқланса, бутун арқонлар комплекти алмаштирилиши керак.

30. Ҳар ой кон бош механиги ёки унинг ўринбосари лифтнинг ҳар бир пўлат арқонини синчиклаб текшириши керак. Бунда коуш ёки жимкалар остида ҳар бир пўлат арқоннинг ҳолати текширилиши лозим. Текшириш натижалари пўлат арқонларни кўздан кечириш журналида қайд этилади.

Агар коуш ёки жимкалар остида текширишда пўлат арқонлардан исталган биридаги узилган симларнинг умумий сони пўлат арқондаги симларнинг умумий кесими юзасининг 2 фоизини ташкил этса, бутун комплект зудлик билан алмаштирилиши керак.

31. Ер ости лифт қурилмаларининг электр таъминоти, марказий ер ости ёки участка подстанциясининг тақсимлаш қурилмасидан алоҳида кабель линияси орқали амалга оширилади.

32. Лифт қурилмасининг машина бўлинмасида бевосита кириш жойида бутун қурилмани кучланишдан узиш учун кириш ўчирувчи аппарат ўрнатилиши керак.

33. Тезлиги 0,3 м/сек дан юқори бўлган лифтни стволни текшириш пайтида

бошқариш учун кабина томида махсус пульт ўрнатилган бўлиши керак.

34. Бир суткада бир марта, махсус тайинланган шахслар томонидан куйидагилар кўздан кечирилади ва текширилади:

а) кабина, шахта ва шахта эшиги олдидаги майдончаларда ёритиш мосламаларининг мавжудлиги ва етарлича ёритилиши;

б) шахта ва кабина тўсиқларининг ҳолати;

в) шахта эшиклари қулфларининг созлиги;

г) шахта ва кабина эшиклари контактларининг созлиги;

д) сурилувчан полнинг созлиги;

е) кабинанинг қаватларда тўхташ аниқлиги;

ж) “Тўхта” тугмачаси, “Банд” ёруғлик сигнали, товуш сигнализацияси, икки томонлама сўзлашув алоқаси ва диспетчерлик пультадаги сигналларнинг созлиги.

Кўздан кечириш ва текшириш натижалари мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ лифт қурилмасини кўздан кечириш журнали да қайд этилади.

35. Ерга улаш қурилмаларининг тузилиши ва уларнинг назорати “Руда, норууда ва сочма ҳолдаги қонларни ер ости усули билан қазиб олишда хавфсизликнинг ягона қоидалари” ва “Кўмир шахталарида хавфсизлик қоидалари” талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

36. Одамларни ток уришидан ҳимоялаш учун ҳимоя ерга улаш қурилмалари ва ҳаракат цикли тугагандан кейин шикастланган участкани автоматик тарза узиб қўядиган ток чиқишидан ҳимояловчи аппаратлар кўзда тутилиши керак.

IV. Тишли рейка ва етакловчи тишли шестерня билан жиҳозланган ер ости лифт қурилмаларига қўйиладиган қўшимча талаблар

37. Агар кабинанинг пастга ҳаракатланиш тезлиги номинал тезликдан 15 фоиздан ортиқ бўлса, ер ости лифт қурилмаси кабинаси (клетти) ни оҳишта тўхтатиш учун мўлжалланган тутгич билан жиҳозланган бўлиши керак.

Камида ярим йилда бир марта тутгич, заводнинг фойдаланиш бўйича йўриқномасига мувофиқ динамик синовдан ўтказилиши керак.

38. Ер ости лифт қурилмаларига завод йўриқномасида кўрсатилган ҳажмда ва даврийликда техник хизмат кўрсатилиши керак.

39. Ер ости лифт қурилмаларига профилактик хизмат кўрсатиш ишларини хавфсиз бажариш учун ер ости лифт қурилмаси эгаси бўлган корхонада ўрнатилган тартибда куйидаги йўриқномалар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши керак:

ер ости лифт қурилмасининг ҳимоя ва блокировка қурилмаларини текшириш;

ер ости лифт қурилмасига профилактик хизмат кўрсатиш тартиби ва ҳажми.

Йўриқномалар ишлаб чиқарувчи завод (фирма) йўриқномалари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилиши керак.

VI. Жавобгарлик

40. Мазкур Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Ер ости лифт қурилмасини кўздан кечириш натижаларини қайд этиш журнали

Ер ости лифт қурилмаси _____

Кон (шахта) _____

Ташкилот (корхона) _____

Бошланди _____

Тугатилди _____

Журнални юритиш тўғрисида тушунтиришлар

Ҳар бир ер ости лифт қурилмаси учун алоҳида журнал юритилади.

Журнал иккита бўлимдан ташкил топади.

Журналнинг I бўлими (2-шакл) ер ости лифт қурилмаси деталларининг ҳолатини кўздан кечириш натижаларини қайд этиш учун мўлжалланган. Ушбу бўлимнинг 2-устунида кўздан кечирилиши шарт бўлган объектлар кўрсатилган.

2-устунда кўрсатилган объектлар “Руда, норуда ва сочма ҳолдаги конларни ер ости усули билан қазиб олишда хавфсизликнинг ягона қоидалари” ёки “Кўмир шахталарида хавфсизлик қоидалари” да келтирилган муддатларда кўздан кечирилади.

3-устун ер ости лифт қурилмасини кўздан кечириш учун тайинланган шахс томонидан тўлдирилади.

I бўлим

2-шакл

№	Кўздан кечириш объектлари	Ой, йил					
		сана					
		1	2	3	29	30
1.	Кўтариш машинаси						
а.	Барабан						
б.	Тормоз (комплекс)						
в.	Машина узатмаси						
г.	Сақловчи қурилмалар						
д.	Кабинанинг қаватларда тўхташ аниқлиги						
е.	Аппаратурлар						
2.	Шкивлар:						
а.	Футеровка						
б.	Подшипниклар						
в.	Спицалар ва гардиш						
г.	Мойланиш ҳолати						
3.	Кўтариш идишлари:						

а.	Тиркама қурилма						
б.	Парашютлар						
в.	Йўналтиргичлар						
г.	Шахта эшиклари кулфлари						
4.	Охирги вилючателлар						
5.	Кўздан кечирган шахснинг имзоси						

Шахта бош механигининг қайдлари

Журналнинг II бўлими (3-шакл) носозликни тавсифлаш ва уни бартараф этиш бўйича тадбирларни қайд этиш учун мўлжалланган.

II бўлим

3-шакл

Кун, ой ва йил	Механизм ёки деталь носозлигининг тавсифи	Нуқсон ёки носозликни бартараф этиш бўйича тадбирлар, бажариш муддати ва кимга топширилган	Бажарилганлик тўғрисида қайд, бажарувчи ва шахта (кон) бош механигининг имзоси
1	2	3	4

II бўлимнинг 2-устунсида I бўлимда Н ҳарфи билан белгиланган объектнинг носозлик даражаси ва хусусияти тавсифланади. Қайд кўздан кечирган шахс томонидан амалга оширилади.

3-устунда бош механик, аниқланган нуқсонларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ва уларнинг бажарилиши учун масъул шахсларни кўрсатади.

Ер ости лифт қурилмасини кўздан кечириш натижаларини қайд этиш журналининг юритиш учун жавобгарлик шахта (кон) бош механигига юклатилади.

Журнални юритиш топширилган шахслар уни тўлдириш қоидалари билан танишишлари ва 1-шаклдаги журналга ўз имзоларини қўйишлари керак.

1-шакл

Кун, ой ва йил	Фамилия, исми, отасининг исми	Лавозим	Журнални тўлдириш қоидалари билан танишганлиги тўғрисида имзо

**Кўтариш пўлат арқонлари ва уларнинг сарфини кўздан кечириш
натижаларини қайд этиш журнали**

Ер ости лифт қурилмаси _____

Кон (шахта) _____

Ташкилот (корхона) _____

Бошланди _____

Тугатилди _____

Мазмуни

1. Кўздан кечириш натижалари, бет _____

2. Давлат инспекторининг турли кўрсатмалари, бет

3. Пўлат арқонлар сарфи, бет _____

Журнални юритиш тўғрисида тушунтиришлар

Ҳар қайси ер ости лифт қурилмасини учун алоҳида журнал юритилади. Бу журналда пўлат арқонларни ҳар суткалик, ҳафталик ва ойлик кўздан кечириш натижалари қайд этилади.

Пўлат арқонларни кўздан кечириш натижалари журналнинг I бўлим 2-шаклга мувофиқ амалга оширилади.

Ҳар суткалик кўздан кечиришларда 1, 2, 3, 9- устунлар тўлдирилади. Ҳар ҳафталик кўздан кечиришларда 1, 2, 3, 4, 5, 9 ва 10-устунлар тўлдирилади.

10-устунда шахта бош механиги арқоннинг умумий ҳолати, яъни занглаш, деформация аломатлари, симларнинг сурилиш ва бошқалар тўғрисида қайд этади. 10-устунда шахта бош механиги ҳар ҳафталик кўздан кечиришдан кейин ўзининг имзосини қўйиши шарт.

Пўлат арқонларни ҳар ойлик кўздан кечиришда Журнал бўлимининг барча устунлари тўлдирилади.

4-устунда пўлат арқоннинг клетдаги учидан унинг ўрама қадамидаги синган симлар энг кўп бўлган жойигача масофа қайд этилади.

Бу масофа пўлат арқоннинг ўрама қадамида энг кўп симлар синган жойлар пайдо бўлишига қараб ўзгариши мумкин.

5-устунда пўлат арқоннинг ишлаш натижасида узайиши қайд этилади. Пўлат арқоннинг ортиқча қисми қирқиб ташланганда 5-устунда “Қирқиб ташланди ... “ ёзуви қайд этилади.

6 ва 7-устунларда пўлат арқоннинг энг кўп едирилган жойларида 0,1 мм гача аниқликда ўлчанган диаметри қайд этилади.

8-устунда пўлат арқоннинг кабина яқинидаги учининг энг кичик диаметри қайд этилади.

Пўлат арқон фавқулодда тортилганда зудлик билан у мукамал кўздан кечирилади, ва барча тегишли устунлар тўлдирилади. Бундай ҳолатларда 6-устунда суратда пўлат арқоннинг умумий узайиши, махражда эса фавқулодда тортилиш натижасида юзага келган узайиш кўрсатилади. 10-устунда бош механик “Фавқулодда тортилишдан кейин кўздан кечириш” ёзувини қайд этади.

11-устунда шахта бош муҳандиси камида бир ойда бир марта ўз имзосини қўяди ва пўлат арқонга қараш ва назорат қилишга доир ўзининг фикрлари ва кўрсатмаларини қайд этади.

Пўлат арқонлар алмаштирилганда бутун варақ бўйлаб пўлат арқоннинг алмаштирилганлиги тўғрисида қайд этилади.

Пастроқда янги пўлат арқон ўрнатилганлиги, унинг конструкцияси, ўрамаси, диаметри ва пўлат арқон синаш станциясида ўтказилган охирги синов рақами қайд этилади.

Журналнинг II бўлим 3-шакли, ушбу ер ости лифт қурилмасидаги пўлат арқонлар сарфини ҳисобга олиш ва уларнинг хизмат муддатини қайд этиш учун хизмат қилади.

II бўлимнинг 5-устунсида пўлат арқон конструкцияси ва ўрамаси қисқартирилган ҳолда кўрсатилади. Масалан, ўттиз еттита симдан ташкил топган хочсимон ўрамали олти толали пўлат арқон “6 x 37 + 1 X.Ў.” кўринишида қайд этилади.

6-устунда завод маълумотлари бўйича пўлат арқон ва сим диаметри кўрсатилади.

12-устунда пўлат арқонни ечиб олиш сабаблари ва уни едирилиш белгилари кўрсатилади, масалан, ўрама қадамидаги узилган симлар 5 фоиздан ортиқ, арқоннинг ингичлашиши 10 фоиздан ортиқ, толалар ботган, бўртиқлар юзага келган ва бошқалар.

Журналнинг тўғри юритилиши ва унинг ўз вақтида тўлдирилиши учун жавобгарлик шахта бош механигига юклатилади.

Журнал рақамланган, шнурланган ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак.

Журнални юритиш топширилган шахслар уни тўлдириш қоидалари билан танишишлари ва 1-шаклга мувофиқ журналда ўз имзоларини қўйишлари керак.

1-шакл

Кун, ой ва йил	Фамилия, исми ва отасининг исми	Лавозими	Журнални тўлдириш қоидалари билан танишганлиги тўғрисида имзоси

